



Hurriyat

Mustaqil gazeta

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

“Катта гурур ва ифтихор билан таъкидлаб айтмоқчиман: Ғалаба боғининг марказида “Матонат мадҳияси” деб аталган муаззам обида барча Ўзбекистон оналарига қўйилган ҳайкал бўлиб, она Ватан рамзи бўлиб қад ростлади. Ҳеч шубҳасиз, ушбу ёдгорлик бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун қутлуг зиёратгоҳга, оила, севи-мухаббат, вафо ва садоқат деган муқаддас тушунчалар тимсолига айланиб қолади”.

Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan * Elektron manzil: gzhurriyat@mail.ru * www.uzhurriyat.uz * 2020-yil 10-may, yakshanba * № 14 (1178)



ВАТАН УЧУН ЖОНИН ТИККАНЛАР

Кўлга киритилган бундай қимматли ва ишончли разведка маълумотлари натижасида фашистларнинг “Мислсиз сакраш” деб аталмиш операциясига бош қўшган кўпуровчилар тўдасига барҳам берилди. Фюрернинг “ишонган тоғи” жасур ўзбек разведкачисининг қарши-сида чил-парчин бўлади.

⇒ 2-бет

СУДЬЯ ГАЗЕТА ЎҚИМАЙДИМИ?..



Ажабки, вилоят маъмурий судидагилар Республика Олий судидан топшириқ олгач, жилла курса, газетани толиб, мақолани ўқиб ҳам кўришмаган кўринади. Демак, бу тизимда ҳали қилинадиган ишлар кўп экан. Республика Олий судининг топшириғи ўлда-жўлда бажарилганидан кейин... Нима ҳам дердик?!

⇒ 4-бет

“ИЛҲАҚ” ЙИҒЛАТДИ!



“Илҳақ” йиғлатди мени. Жуда қаттиқ таъсирландим. Фильм прототиби бўлмиш Зулфия Зокирова номини давлатимиз раҳбари бежиз фахр билан тилга олмаганлигига яна бир қарра амин бўласан киши. Афсуски, Иккинчи жаҳон уруши халқимиз бошига солган мусибатларни рақам ёки қатор-қатор китобу асарлар билан ўлчаб, таққослаб бўлмайди.

⇒ 8-бет

ХОТИРА — МУҚАДДАС, ҚАДР — УЛУҒ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг буюк Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар! Муҳтарам уруш ва меҳнат фахрийлари!

Аввало, Ватанимизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари бўлган сиз, азизларни, сизларнинг тимсолинигизда кўп миллатли бутун халқимизни Иккинчи жаҳон урушида эришилган буюк Ғалабанинг 75 йиллик шонли байрами ҳамда Хотира ва қадрлаш кунини билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Хурматли дўстлар!

Барчангиз хабардорсиз, сизлар билан бирга бундан роппа-роса бир йил муқаддам азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида муқаддас Ғалаба боғини барпо этишга қарор қилган эдик. Ушбу қароримиз замирида Ўзбекистон халқининг жанг майдонларида ва фронт ортда кўрсатган бекибс жасорати ва матонатини тарих саҳифаларига муҳрлаш, ёш авлодимизни Ватанга мухаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсади муҳим экани сизларга яхши маълум. Худода минг бор шукри, эл-юртимиз дилидаги ана шу эзгу ният ижобат бўлиб, улуг айём кунларда уруш ва меҳнат фахрийлари билан Ғалаба боғида ва “ойнаи жаҳон” орқали дийдор кўришиб турибмиз.

Буюк Ғалабанинг 75 йиллиги шарафига бунёд этилган бу бетакрор мажмуа қаҳрамон халқимизга муносиб бўлиб, ҳам маъмурий жиҳатдан, ҳам тарихий-маънавий жиҳатдан гоят ноёб ва маҳобатли обида бўлиб қад ростлади.

Мана шу улкан майдонда қисқа муддатда жуда катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ҳар жиҳатдан пухта ишланган пойхалар асосида Ғалаба боғи, “Шон-шараф” музейи, “Мангу жасорат”, “Матонат мадҳияси” монументлари бунёд этилди. Халқимизнинг қонли жанглардаги мардлигини, фронт ортдаги машаққатли меҳнати ва фидойиллигини акс эттиришга бағишланган кенг кўламли тарихий-бадиий экспозициялар яратилди.

Агар вақт имкон берганда эди, уларнинг ҳар бири ҳақида соатлаб гапириш мумкин бўларди.

Уруш давридаги жангоҳларни эслатадиган бандан тепалик устида афсонавий генерал Собир Раҳимов каби ҳарбий қўмондонларимиз, ўзбекистонлик барча ботир жангчиларнинг сўнмас хотирасига атаб “Мангу жасорат” деб номланган улғувор монумент барпо этилди.

Замонавий музей санъати ва ахборот-коммуникация технологияларининг энг илгор ютуқлари асосида “Шон-шараф” музейи бунёд қилинди. Бу ерда намойиш этилаётган минглаб тарихий экспонатлар буюк Ғалабага буюк ҳисса қўшган халқимизнинг мислсиз жасоратини тараннум этишга, ёш авлодимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек олижаноб мақсадга хизмат қилади.

Биз бугун уруш йилларида халқимиз кўрсатган бекибс қаҳрамонлиқни улуглайдиган, ўзида она Ватан тимсолини муҷассам этган “Матонат мадҳияси” монументи пойга гулчамбар қўйиб, фидойиюртдошларимиз хотирасига хурмат бажо келтирдик. Шунини ай-

тиш керакки, ушбу ёдгорлик мажмуасига қандайдир бадиий образ эмас, балки ҳаётимизда чиндан ҳам бўлган тарихий воқеа — муътабар бир инсон ва унинг оиласи тўғрисидаги ҳақиқат асос қилиб олинг.

Мен ўтган йили 9 май байрамида Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшаб ўтган Зулфия Зокированинг ҳар қандай одамни ҳам ҳайратга соладиган инсоний жасорати ҳақида сўз юритган эдим.

Турмуш ўртоғи Холмат ака вафот этган, Зулфия ая ёлғиз ўзи беш ўғил, бир қизни тарбиялаб вояга етказган. Иккинчи жаҳон урушида Исоқжон, Аҳмаджон, Маҳамаджон, Ваҳобжон, Юсуфжон деган бешта азамат ўғилдан жудо бўлган.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, ҳар қандай инсонни ҳам яқсон қилиб ташлайдиган бундай оғир зарбага чидаш мумкинми? Лекин матонатли, метин иродали ўзбек онаси бу чекисиз кулфатга бардош бера олди.

Уруш туғайли Зулфия Зокированинг тўрт келини бева, беш набираси етим бўлиб қолди. Онаизор умрининг охирига қадар сув келса — симириб, тош келса — кемириб, қаҳрамон ўғилларининг азиз хотираси билан, келинлари, набираларининг ҳаёти, юртинг ташвиши ва қувончлари билан яшайди.

Зулфия аянинг меҳр-оқибатли келинлари ҳам ундан ўрнак олиб, унга мадд бўлиб, барчаси ўз ёрига, оиласига содиқ қолди — бошқа турмуш қурмади.

Мана, бугунги давримизда Зулфия ая Зокированинг қариндошлари — хурматли Раҳимжон Аҳмаджонов, Фарҳод Маҳамаджонов, Мазрифат Аҳмаджонова, Саноат Маҳмудова, Мавлуда Холматова иштирок этмоқдалар. Бошларига тушган оғир қийинчиликларни мардона ениб, Зулфия ая ва оталарининг хотирасини пок сақлаб, эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қилиб келаётган бу юртдошларимизга барчамизнинг номимиздан чўқур миннатдорчилик билдиришга руҳшат бергайсиз.

Мен ўтган йилги байрамда ўзбек аёллари, ўзбек халқининг мана шундай буюк жасорати, сабру бардошига бағишлаб, “Матонат мадҳияси” деган монумент барпо этишни тақдир қилган эдим. Кенг жамоатчилигимиз, халқимиз бу ташаббусни қизгин қўллаб-қувватлади.

Шу мавзуда ижодкорларимиз кўплаб мақолалар, шеър ва достонлар яратмоқдалар.

Бу ҳақда гапирганда, мен “Ўзбекино” миллий агентлиги томонидан яратилган “Илҳақ” бадиий фильми тўғрисида алоҳида тўхталмоқчиман. Истеъдодли ёш режиссёр Жаҳонгир Аҳмедов сураб олган ушбу ажойиб фильми мен кеча жуда катта қизиқиш ва ҳаяжон билан томоша қилдим. Халқимиз ҳаётининг энг оғир, энг фожиали даврига бағишланган бу асар том маънода қаҳрамонлик қасидаси бўлиб, ҳар қандай одамнинг ҳам қалбини ларзага солади.

Дахшатли уруш туғайли беш нафар баҳодир ўғилдан айрилган, умрининг охиригача фарзандларини илҳақ, яъни интизор бўлиб кутган Зулфия Зокирова сиймо-

сида ўзбек оналари, ўзбек аёлларига мансуб энг буюк фазилатлар ниҳоятда теран ифода топган. Биз бу бадиий гўзал асарни бугунги улуг байрам кунинда барча телеканалларимиз орқали кенг намойиш этишга қарор қилдик.

Фурсатдан фойдаланиб, мен бугун халқимизни, айниқса, ёшларимизни мана шу фильмин оила даврасида кўришга, унинг қаҳрамонларидан ўрнак олишга даъват этаман.

Катта гурур ва ифтихор билан таъкидлаб айтмоқчиман: Ғалаба боғининг марказида “Матонат мадҳияси” деб аталган муаззам обида барча Ўзбекистон оналарига қўйилган ҳайкал бўлиб, она Ватан рамзи бўлиб қад ростлади. Ҳеч шубҳасиз, ушбу ёдгорлик бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун қутлуг зиёратгоҳга, оила, севи-мухаббат, вафо ва садоқат деган муқаддас тушунчалар тимсолига айланиб қолади.

Бу ерда қадам қўйган ҳар бир йигит-қиз миллатимизнинг қонини, суюғида бўлган ноёб маънавий фазилатларини асраб-авайлаб, қадрлаб яшаш учун мана шундай улуг инсонлардан тарбия ва ибрат олади, деб ишонаман.

Айтиш керакки, қисқа вақт ичида, айниқса, карантин шароитида Ғалаба боғи деб ном олган бу улкан мажмуани барпо этиш осон бўлгани йўқ. Лекин, барча қийинчиликларга қарамадан, моҳир қурувчи ва меъморларимиз, муҳандислар, турли соҳа мутахассислари, расом ва ҳайкалтарошлар, азамат ёшларимиз бу вазифани ўзлари учун савобли бир иш деб билиб, туңу кун фидокорона меҳнат қилдилар. Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан ушбу бетакрор мажмуа 9 май байрамига қуриб битказилди.

Фурсатдан фойдаланиб, бу гоят эзгу ишга чин юракдан ҳисса қўшган барча-барча инсонларга ўз номидан, эл-юртимиз номидан чўқур миннатдорчилик билдираман.

Ғалаба боғи, Хотира, Қадр-қиммат боғи ҳаммамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин!

Азиз фахрийлар! Бугунги қутлуг айёмда барчамиз, аввало, ўз жонини она юрт учун қурбон қилган ватандошларимизнинг руҳи поклари олдига бош эгиб таъзим қиламиз. Сизлар каби минглаб уруш ва меҳнат фронти қатнашчиларини — азму шижоатли, довурак ота-боболаримиз, сабр-матонатли оналаримиз, момоларимизнинг номларини хурмат билан тилга олаемиз.

Афсуски, карантин туғайли сизларнинг барчангизни бу гўзал масканга, бугунги тантанали маросимга олиб келолмадик. Лекин мана шундай муқаддас ва шукҳули кунда ҳаммамиз руҳан, қалб билан сизлар билан биргамиз.

Уруш ва меҳнат фахрийларининг асарияти ҳозир вилоятларда, ҳарбий округларда, бошқалари эса ўз хонадонларида оила аъзолари билан 9 май байрамини нишонламоқдалар. Улар “ойнаи жаҳон” орқали бугунги тантанали маросимни тўғридан-тўғри кузатиб бормоқдалар.

(Давоми 3-бетда.)



Ғалаба боғи:

Кечаги кундан сабоқ олган кам бўлмайди

Шу дамларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Хотира ва қадрлаш кунини ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Пойтахтимизнинг Олмазор туманида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 9 май — шонли санага бағишланган яхлит мажмуа кўринишидаги боғ барпо этиш ташаббуси Ғалабанинг 75 йиллиги арафасида қурилиб битказилди.

Иккинчи жаҳон урушида Ғалабани таъминлашга ўзининг бемисл ҳиссасини қўшган жонажон халқимизнинг жасоратини, қаҳрамонликларини намойиш қила оладиган мажмуанинг бунёд этилиши уруш келтирган

фожиалардан, вайронагарчилик, хунрезликлардан келажак авлодлар сабоқ олиб, тинчлик учун курашадиган забардаст авлод бўлиб шаклланишига туртки беради. Ғалаба боғи икки қисмдан иборат бў-

либ, юртдошларимизнинг жанглардаги иштирокидан лавҳалар ҳамда фронт ортидаги республикамиз ҳаёти акс этган.

Президентимиз Ғалаба боғининг очилиш маросимида иштирок этаркан, «Матонат мадҳияси» ёдгорлик мажмуасига гулчамбар қўйди. Ёдгорликнинг эзгу аҳамияти шундаки, у номаълум манба эмас, балки ҳаётда бўлган воқеа — муътабар она ва унинг оиласи тўғрисидаги ҳақиқатга асосланган.

ОҒРИҚ

Бугун “Сардоба” воқеаси рўй берганига 9 кун бўлди. Бу вақт оралиғида нималар рўй бермади, дейсиз?! Меҳр билан қурган уйлариини ташлаб қочишлар, йўқотиш изтироблари, мурувват соябонлари ва умид учкунлари... Буларнинг ҳаммасининг ортида эса “ўзбек” деган сода ва шиддатли юракнинг дуқури эшитилди...

1 май куни эрталаб соат 05:55 да Сирларё вилоятида 2010-2017 йиллар орасида қуриб битказилган Сардоба сув омборида тўғон ўпирилиш содир бўлди. Бинолар, йўллар, коммуникациялар, экин майдонлари билан бирга минг-минглаб одамларнинг орзу-умидлари вайронага айланди. Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларидаги 22 та қишлоқдан 70 мингга яқин аҳоли эвакуация қилинди.

ЎзАнинг хабар беришича, Давлатимиз раҳбари фалокат содир бўлган куннинг ўзидаёқ воқеа жойига етиб борди. Оқолтин тумани аҳолиси билан учрашиб, уларга далда бўлди.

“Бу ҳеч ким кутмаган синов. Биринчи ҳаракатимиз одамларни эҳтиёт жойларга қўчириш бўлди. Энг катта масала — ўлим бўлмаслиги. Оқсоқоллар, маҳалла раислари ва ноzirларидан илтимос қиламан: одамларни йиғиб, уйларга, палаткаларга жойлаштириб, озиқ-овқат билан таъминлаб, маҳаллама-маҳалла саранжом қилиб олишимиз керак. Бунинг учун ҳамма куч ва



САРДОБА ИСИТМАСИ

воситаларни сафарбар қиламиз. Шароит яхши бўлмагунча биронта раҳбар кетмайди. Сабр қилиб, оғирликни елкамизга олиб, чидашимиз керак. Биронта хонадон, биронта одам эътиборсиз қолмайди,” — деди давлатимиз раҳбари. Буни эшитган аҳолининг чилпақка чиққан умидлари яна жон-

лана бошлади. Ҳали умидлари тирик эканлигини ҳис қилишди. — Тўғриси, бу мудҳиш хабарни эшитганда шошиб қолдик. Фарҳод исми сардобалик фуқаролардан бири. — Уша куннинг ўзидаёқ эрталаб Президентимиз етиб келгани бугун халқ учун таскин бўлди. “Президент келибди,” деган хабарнинг

ўзи бизга қанчалар далда бўлганини билганингизда эди. Давлатимиз раҳбари икки кун воқеа содир бўлган жойдан кетмади. Эшитдик, бир кун ўтиб, Президентимиз яна келибди, ахир юртининг, элини ўйлаган одам шунчалик ўйлар-да.

ГУРУНГ

— Маълумки, ҳеч қутилмаганда коронавир...

Оқибди ҳолатлар, синови кунлардан келиб...

— Ҳақиқатан, бугун бутун жаҳон аҳлини, мана бир...

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида...

Албатта, манзил-макон, чегара, миллат ва касб-кор...

Пандемия радио ва теле журналистларимизга ҳам...

“Нолийдиганлар ҳамма вақт ҳам бўлар экан”

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Холмурод САЛИМОВ билан суҳбат

бойитмоқда. Бир сўз билан айтганда, оммавий ахборот...

— Карантин шароитида Уюшма қандай ишларни амалга оширди?

— Албатта, тасдиқланган йиллик режа, дастур ва “Йул харита”...

— Ҳозирда ишчи гуруҳ иш режаси асосида мутахассис...

Шу билан бирга, Республика маънавият ва тарбия...

Албатта, Уюшманинг Тошкент ва вилоятлардаги вакиллари...

Хусусан, уюшма раиси Саъдулла Ҳақимовнинг

“Янги Ўзбекистон” газетасининг 18 март сониди “Элдан дарад...

— Карантин сабабли “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун...

— Ҳақиқатан ҳам карантин туфайли, йилдан-йилга нуфузи...

Бўлмаса, халқимиз оғир синовларни бошдан кечир...

Мабодо фаолиятимизга қизиқувчилар бўлса, Уюшмага оид маълумот...

муносабати билан “Олтин қалам” танловини ўтказиш ҳам...

Давлатимиз раҳбари таъкидлаб айтганидек “Барчамиз бир нарсани унутмаслигимиз зарур, ахборот майдонидидаги турли баҳс...

Миллий журналистиканинг майдони кенг — унга ҳамма синади. Унда ҳамма оммавий ахборот воситаларининг ўз ўрни бор...

Танқидий руҳда материал тайёрлашга ҳаракат қилётган ушбу тармоқ...

“Platforma.uz”нинг “Фонтанас”, яъни на юзи, исми-шарифи...

Ташкилотимиз медиа-мақолада муносабат билдирилиши лозим бўлган ҳолларда ўз позициясини маълум қилиб келмоқда...

“Газета.уз” сайтини РТМ судга берганда Жамоатчилик кенгаши...

Мабодо фаолиятимизга қизиқувчилар бўлса, Уюшмага оид маълумот ва ахборот...



лан мувожаат қилган бўлса, вақтида жавоб олган, бундан кейин ҳам ушбу тамойил амал қилади.

— Карантин туфайли жорий йилги иш режамизга бир қатор ўзгаришлар киритишга тўғри келди.

— Карантин шароитида Уюшма қандай ишларни амалга оширди? — Карантин шароитида Уюшма қандай ишларни амалга оширди? — Карантин шароитида Уюшма қандай ишларни амалга оширди?

Допларб мавзуларда турли тадбирлар — конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ўтказиш, журналистларнинг ишлари ҳақида...

Журналист кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан олий ўқув юрталари билан ҳамкорликни давом эттириш...

Яна бир муҳим ишларимиздан бири бу — Уюшмага янги аъзоларни қабул қилишни бошлаймиз.

Бунга тайёрлик аниқ олдин бошланган эди. Барча ташкилий юмушлар якунига етказилмоқда.

Суҳбатни “Hurriyat” мухбири Ю.ХУДОЙҚУЛОВ ёзди.

АФСУС

Газетамизнинг 2020 йил 11 март, 11-сониди “Тадбиркорнинг арзини ким тинглайди?” сарлавҳали танқидий мақола чоп этилганди. Унда Президентимизнинг шахсан ташаббуслари билан...

Аммо журналистик суриштирув натижаси шунки кўрсатдики, ёш ишбилармон, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш сиёсати Жаззаҳ виллоят...

Судья газета ўқимайдими?..

Тахририятимиз мақолада кўрсатиб ўтилган кам-чиликларни бартараф этиш чораларини кўриш ва натижасидан тахририятни ҳам бохабар қилиш юзасидан Республика Олий судига мурожаат қилганди.

Хатда ёш тадбиркор Б.Ҳошимовнинг унга нисбатан туман ҳокими томонидан 2019 йил 15 апрелда чиқарилган қарорини бекор қилиш сўров аризасини Мирзачўл тумани маъмурий суди кўриб чичиб, даъво аризаси асосида деб топилиб, уни рад этилгани айтилади.

Аммо мақолада туман ҳокимининг бахсталаб чиқарган қарори билан ҳозирда ёш тадбиркор Б.Ҳошимов фаолият кўрсатиб келаётган “Техник таъмир маркази” биноси “Электрон-онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” ДУКга онлайн савдога қўйиш учун тақдим этилгани (хатто Б.Ҳошимов оғохлантирилмаган, савдода иштирок этмаган), савдо имми-жимиди, қозғалтирилиб “Зилол булоқ” хусусий корхонасига 0 қийматда сотиб юборилгани баён этилганди.

А.Мамараҳимов асос қилиб олган масалага, мақолада келтирилган Б.Ҳошимовнинг адвокати Р.Тошбулов асослаганидек, автобусдаги ўзаро тортишув 2019 йилнинг сен-

тябрь ойида бўлгани, агар норози томон шикоят қилса 15 кун ичида кўриб чиқилиши кераклиги, аммо шикоят бўлмагани, орадан олти ой ўтибди ҳам масала юзасидан иш қўзғатилмагани айтиб ўтилган эди.

Юқоридаги масалага судья А.Мамараҳимов изох бермади. Аксинча, тадбиркорни майда безорига чиқаради. “2019 йил 7 сентябрь куни соат 15.00 ларда жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимасдан “Жаззаҳ-Гагарин” йўналишида ҳаракатланиб келаётган автобусда фуқаро Д.Маматовга ҳақоратомуз (!) шилқимлик қилиб, шу ердаги фуқароларнинг (автобусдаги демоқчи. Ю.Ж.) осяйшталлигини бузиб (бу ҳақда шикоят хати мавжуд эмас. Ю.Ж.) майда безорилик ҳаракатини содир қилганлиги учун”, дея айблабди. 12 сутка қамоқ жазосини рўқач қилиб, танқидий мақолада келтирилган асосий муддао, яъни етказилган зарарни ундириш масаласидан кўз юмади.

Қизиги, “Техник таъмир маркази” биносидаги ёш тадбиркорга тегишли мол-мулк онлайн савдода 0 қийматда сотиб олган “Зилол булоқ” раҳбари томонидан талон-тарож қилинади. Яъни, темир-терсак бозорига мўлжаллаб бинодаги барча жиҳозлар майдалаб, кесиб чиқилиб, машинага юклаш учун тартиб билан тахлаб қўйилган. Аммо Б.Ҳошимов ишни судга оширгач, бу мақсад амалга ошмай қолади.

Мирзачўл тумани давлат хизматлари агентлиги томонидан тузилган маълумотномада кўрсатилган мол-мулкнинг, яъни темир устун ва техник жиҳозларнинг умумий баҳоси

94 348 000 (тўқсон тўрт миллион уч юз қирқ саккиз минг) сўм камомадни (биз туман ҳокимлиги вакили билан аниқлаш мақсадида бинога борганимизда дарвоза янгиланган экан, ичкаридагилар очилмади. Ю.Ж.) ким қоллайди? Бунга жавоб хатиде умуман изох берилмаган.

Бизни ўйлантиргани, мабодо “Зилол булоқ” раҳбарияти мулкни талон-тарож қилмаган бўлса, туман ҳокимлиги мутасаддилари уларни оғохлантиргандан сўнг борганимизда нега дарвозани очилмади? Биз билан борган туман ҳокимлиги вакили кўнгиригига жавоб ҳам беришмади. Иккинчи куни борганимизда эса умуман зирхлаб ташлашибди.

Ажабки, виллоят маъмурий судидагилар Республика Олий судидан топшириқ олган, жилла курс, газетани топиб, мақолани ўқиб ҳам кўришмаган кўринади. Демак, бу тизимда ҳали қилинадиган ишлар кўп экан. Республика Олий судининг топшириғи ўлда-жўлда бажарилганидан кейин... Нима ҳам дердик?!

Аммо янада қизиги, “Зилол булоқ” раҳбарлари ҳокимлик ва мутасадди органларни сөхр-жоду қилганми ё бошқа “хунар” кўрсатганими, ҳар қалай на ҳокимлик, на виллоят маъмурий суди мавжуд вазият юзасидан ломим дейишмаяпти. Ваҳоланки, онлайн савдода “Зилол булоқ”ликлар 0 қийматда берилган объектни ишга тушириш учун 24 кун муддатда инвестиция киритиши, камиди 20 янги иш ўрни яратиши, кимёвий ўғит ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ваъда беришган экан. Аммо...

Бизни ўйлантираётгани, Президентимиз кўрсатмаси билан ишсизликни қисқарттириш масаласида кескин чоралар кўрилиб, ҳозирда ёшларга гектарлаб бўш ер майдонлари фермерлик фаолиятини йўлга қўйиши учун берилаяпти. Ҳисоботларда топшириқ ортиги билан бажарилгани кўрсатилаяпти.

Амалда, агар манфаатлар тўқнаш келиб қолса, ёш тадбиркор Б.Ҳошимов сингари калавнинг учини тополмай қолмасмиканлар?

Юсуф ЖҲРАЕВ, “Hurriyat” мухбири.

SANOAT QURILISH BANK



Юртимизда кенг нишонланаётган Хотира ва қадрлаш куни билан жамики юртдошларимизни муборакбод этиб, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабани таъминлашда жасорат кўрсатган элимизнинг мард фарзандлари билан ғурурланамиз. Барча уруш фахрийлари, фронт ортида қаҳрамонлик билан меҳнат қилган она халқимизга ҳамиша таъзимдамиз.

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ жамоаси

✓ БАДИА

УРУШНИНГ
УЧ ЛАҲЗАСИ

Уруш (бизнинг авлод уруш деганда ўша — катта урушни, фашизм билан урушни тушунади) бошланганда мен тўрт ёшда эдим. У пайтларда ҳозиргидек интернету, телевизорлар у ёқда турсин, оддий радио ва газета ҳам йўқ эди, оммалашмагани, шу боисдан урушнинг хабарини одамлардан, қўшнилardan эшитганмиз, унинг даҳшатини эса ота-онам, қариндош-уруғ, кўрган одамларнинг юз-кўзларидаги чексиз хавотирдан сезганмиз. Ҳамминг оғзида: "Эшитдингми, уруш бошланибди", "Эй воҳ, фалончини олиб кетишибди", "Вой-дод, отамни урушга олиб кетди", "Фалончига "қора хат" келибди", деган ваҳимали гаплар юрар эди. Хуллас, жуда узокларда бораётган ўша лаънати урушнинг совуқ нафаси бизнинг авлоқ бир қишлоқда шундай уфуриб турарди. Бир кун эрталаб ухлаб ётган эканман, уйимиздагилардан кимдир: "Қаранглар, урушга олинганларни олиб ўтишяпти", деб қолди. Мен шунда кийинмасдан ҳам кўчага югуриб чиқибман.

Қарасам, бир тўп кишиларни қатор қилиб олиб ўтиб кетишяпти. Мен уларга донг қотганимча қараб қолибман. Шунда ўтиб бораётганлардан бир киши мени кўриб:

— Бўйингдан сени, менам қайтиб келиб ўз болаларимни кўрармиканман-а? — деди.

Бу гапни эшитдим-у даҳшат билан вағиллаб йиғлаганимча уйга қараб чопдим...

2

— Атакага югуриб борардик, ўзбекистонликлар бир тўп эдик, ҳаммаёқда шовқин-сурон, пақир-пуқур отишмалар. Майда ўқ тегса-ю омон қолиш мумкин, аммо замбараг-у минеметнинг ўқига дуч келсанг — тамом, парча-парча бўлиб кетасан. Тўхташ мумкин эмас, орқадаги командир отиб ташлайди... Бирдан олдинроқда минанинг ўқи портлади, бир ўзбек йигит ағдарилиб тушди. Югуриб борсам қорни ёрилиб кетибди, ичак-чавоқлари чиқиб ётибди, аммо ўзи тирик. Мен унинг устида бир зум тўхтаб эгилдим.

— Вперед, вперед! — деди орқадан етиб келган командир қўлидаги тўппончасини менга ўқталиб.

Мен югуриб кетдим...

Буни менга тоғам Араббой Фозил ўғли урушдан келганда айтиб берган.

3

Тоғам урушдан келди. Мен — ёшгина бола — унинг кучоғида ўтирибман-у ҳоли-жонига қўймайман:

— Тоға, сиз ҳам немисларни отдингизми?

— Ҳа, жиян, биттасини шундай отдим, асти қўяверасан. Буғдой-зорда "оборон"да ётгандик, икки-учта немис югуриб ўтиб қолди, биттасининг оёғини мўлжаллаб тепкини босдим, умбалоқ ошиб тушди. Командирим: "бор, олиб кел", деганди, югуриб бориб ёқасидан ушлаб, шу десанг, тепиб-тепиб олиб келдим. Командирим "Мала-дес!" — деди, немис бўлса нуқул "Карош, карош", дейди, елкамга шапатилайди, сўнг йиғлайди, нималардир деб ўз тилида

пичирлайди. Тилмочдан: "Бу нима деяпти, ўзи?" — деб сўрасам, у: "Бу аскар мени оёғимдан отганига раҳмат, болаларимнинг бахтига тирик қолдим, деяпти", дейди. Ҳе, зангар-ей, немис бўлсаем билади, жон ширин-да...

Тоғам нуқул кулади. Нега кулади, тушунмайман. У ўша душман аскарини ўлдириб қўймаганидан хурсанд бўлса керак-да. Лекин ўзи кўп ўтмай урушда олган жароҳатлари туфайли оламдан ўтиб кетди.

...Мен бу ҳикояни уруш фахрийлари билан Польшага борганимда бир даврада русчага ағдариб айтиб бердим. Вакилларга бош бўлиб борган уруш иштирокчиси, армия генерали Ляшенко ҳикоямни эшитиб чуқур ҳаёлга чўмди. Кейин ўтирганларга юзланиб:

— Қаранг, ўзбек аскарари немис душманимиз бўлгани учун ўқ отган, лекин тирик қолдирган. Ҳа, олийжаноб халқ ўзбек халқи! — деди.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

Реклама ҳуқуқи асосида

**TURON
BANK**

Барқарорлик белгиси!

«Туронбанк» АТБ жамоаси

9 май — Хотира ва қадрлаш кунини ва иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан барча мард, жасур ва матонатли уруш қатнашчилари ҳамда меҳнат фахрийларини самимий муборакбод этади!

«Туронбанк» АТБ юртдошларимизга миллий валютадаги

«Шоҳона онлайн»

муддатли омонат турини таклиф этади.

Омонатнинг йиллик фоиз ставкаси — **21%**

Омонат муддати — **18 ой**

Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

Шунингдек, «Туронбанк» АТБ Сизга миллий ва хорижий валюталарда жозибадор шартларда муддатли, жамғарма ва онлайн (MyTuron иловаси орқали) омонатларини таклиф этади.

www.turonbank.uz

turonbank turonbankuz turonbank

99895 144-60-00

Хизматлар лицензияланган

✓ ЖАҲОНДА НИМА ГАП?

РОССИЯ ПАНДЕМИЯНИНГ ЮКОРИ БЕШЛИГИДА

Россияда сўнгги бир кунда коронавирусдан зарарланиш билан боғлиқ 11 мингдан ортиқ ҳолат қайд этилди.

Кунлик ўсиш бўйича навбатдаги энг юқори кўрсаткич туфайли Россия жаҳонда касалланганлар сони бўйича Германия ва Францияни ортада қолдирган ҳолда бешинчи ўринга кўтарилди. Мамлакатда қаторасига бешинчи кун янги касалланиш ҳолатлари сони 10 мингдан ошқ бўлмоқда. Сўнгги бир кунда 88 киши коронавирус курбонига айланган.

Эндиликда Россияда коронавирусдан зарарланиш билан боғлиқ қайд этилган ҳолатлар сони 198 минг нафардан ошган, 1800 га яқин ўлим қайд этилган. Россия бу кўрсаткич бўйича жаҳон рейтингда Германия (170 588 ҳолат ва 7510 ўлим) ва Францияни (176 191 ҳолат ва 25809 ўлим) ортада қолдирган ҳолда юқори бешликка кирган.

Биринчи ўринда АҚШ (1 322 224 ҳолат ва 78 616 ўлим), кейин Испания (253 682 ҳолат ва 25 857 ўлим), Италия (214 457 ҳолат ва 29 684 ўлим) ва Буюк Британия (211 101 ҳолат ва 31 076 ўлим) қайд этилган.

БЕМОРЛАР ВА МУРДАЛАР БИР ПАЛАТАДА



Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳридаги Локманя Тилак касалхонасида коронавирус билан касалланган беморлар ўлган жасадлар ёнига жойлаштирилган.

Қайд этилишича, воқеа номаълум шахс клиникада даволангандан кейин ижтимоий тармоқда тарқалган. Унда коронавирус инфекцияси тасдиқланган ўн нафар бемор бўлган палата тасвирланган. Қўшни юкхоналарда мурдалар ётган қора қоғлар бор.

Маҳараштра штати қонун қиравуви ҳукумат аъзоси Нитеш Раин ўзининг "twitter"даги аккаунтига изоҳ берди: "Беморлар мурданинг ёнида ухлашади. Ҳукумат бунга қандай руҳсат берди? Бу шармандалик!"

Сўнгги маълумотларга кўра, Ҳиндистонда 54 мингдан ортиқ коронавирус инфекцияси аниқланган; 1,7 минг киши вафот этган, 15,3 минг киши ушбу касалликдан тузалган.

ҚАБРДАГИ ТИРИК ҚАРИЯ

Хитойнинг Шанси провинциясида қутқарувчилар уч кун ер остида ётган аёли қабрдан олиб чиқдилар, деган хабар тарқалди.

Фавқулдда хизматлар 79 ёшли аёлни ўз ўғли томонидан тириклигини кўриб юборилганини таъкидлашди. Айтишларича, қария уч кун ўтишига қарамай тирик топилган. Ҳодиса 5 май кунини, беда-рак йўқолган аёлни қайнонаси полициядан ёрдам сўраб мурожаат қилганида маълум бўлди.

Аёлни сўзларига кўра, илгари унинг эри шол онани аравага юклаб номаълум томон кетган ва ёлғиз ўзи қайтиб келган. Унинг сўзларига кўра, қариндошлари онасини вақтинча қарашга рози бўлишган, аммо рафикаси эридан гумон қилиб, ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилган. Кейинчалик маълум бўлишича, эркак онасини қабристондаги очик қабрга ташлаб, жиноятни яшириш учун қабрни тупроқ билан қоплаган.

Кампир уч кун қабрда ётган. У қутқарилиб, касалхонага ётқизилган, ўғли эса қамоққа олинган.

СААКАШВИЛИ УКРАИНА ҲУКУМАТИДА



Владимир Зеленский Михаил Саакашвилига 2019 йилда Украина фуқаролигини қайтаргани. Грузиянинг собиқ президенти Михаил Саакашвили Украина президенти ҳузуридаги миллий ислохотлар кенгаши таркибига кирувчи ислохотлар бўйича ижроня

қўмитаси раҳбари этиб тайинланди. Бу ҳақда Украина президенти Владимир Зеленскийнинг тегишли фармони эълон қилинган.

22 апрель кунини Украина президенти Владимир Зеленский Михаил Саакашвилига бош вазирининг ислохотлар бўйича ўринбосари лавозимини таклиф қилгани маълум бўлди. Ушбу хабардан сўнг Грузия бош вазири Георгий Гахария агар Михаил Саакашвили Украина бош вазири ўринбосари этиб тайинланганидан бўлса, Киевдаги элчи қақирин олинишини билдирди.

Сайловдани дастурида ҳам Зеленский Саакашвили ҳақида у Европада демократияни таъминлаш учун курашган, коррупцияга қарши курашда тажрибаси бор, деб мақтаган эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

